



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 18 март, № 52 (9223)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТИНЧЛИК, ЭЗГУЛИК, БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ МАЙДОНИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиши ҳамда ифторлик маросимида иштирок этди.



Тадбирга худудлардаги студиялар орқали нурунийлар, олим уламолар, кенг жамоатчилик вакиллари уланди. Шунингдек, турли миллат ва диний конфессиялар аъзолари, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашди.

Қалбдан табриклади. Шу улуг айём кунларига барчамизни тинч-омон, соғсаломат етказгани учун Аллоҳ таолога беҳад шукроналар айтилди.

Халқаро экспертлар эътироф этганидек, бугун Ўзбекистонда ислом цивилизацияси меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича ўзига хос катта илмий мактаб шаклланаётгани, мамлакатимиз ўзининг қанчалик катта интеллектуал салоҳияти борлигини дунёга намойён эта олгани таъкидланди.

Ўлар орасида қатор давлатлар президенти, парламент ва ҳукумат раҳбарлари, депутат ва сенаторлар, вазирлар, элчилар, илм-фан ва жамоат арбоблари, диний ташкилотлар раҳнамолари бор. Марказни лойиҳалаш, қуриш ва замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашда Франция, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Бир-

лашган Араб Амирликлари, Россия, Туркия, Германия, Испания, Италия, Малайзия, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлардан малакали мутахассислар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Аввало, сизларни, жойлардаги студиялар орқали бугунги ифторлик маросимида иштирок этаётган нурунийлар, олим уламолар, кенг жамоатчилик вакиллари, бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан яна бир бор чин қалбдан табриклайман.

Шу улуг айём кунларига барчамизни тинч-омон, соғсаломат етказгани учун Аллоҳ таолога беҳад шукрулар бўлсин! Меҳр-оқибат ва эзгулик рами бўлмиш Рамазон ойида ҳаммамиз биргаликда қўллаб-савобли ишларни амалга оширмақдамиз.

Давлат ва нодавлат ташкилотлар, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Маҳаллалар уюшмаси, Мусылмонлар идорасининг "Вақф" жамғармаси, худудлардаги "Инсон" марказлари, саховатли тадбиркорларимиз томонидан кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларга, кўмакка муҳтож мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бугунги ифторлик маросимида юртимиздаги турли миллат ва диний конфессиялар намоёндалари иштирок этаётгани ҳам шундан далолат беради.

Хабарингиз бор, бундан тўққиз йил олдин мазкур мажмуани барпо этиш ҳақида махсус қарор қабул қилиб, амалий ишларни бошладик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эълон қилинган бу эзгу ташаббусимиз жаҳон жамоатчилиги, айниқса, ислом ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз Марказ қурилишини илмий тадқиқот ва изланиш ишлари билан баробар равишда олиб бордик. Утган даврда кўна меросимизга оид, бизга умуман номалум бўлган қанча-қанча ноёб маълумотларни кашф этдик.

Халқаро экспертлар эътироф этганидек, бугун Ўзбекистонда ислом цивилизацияси меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича ўзига хос катта илмий мактаб яратилган эришдик. Нақадар катта имониятларимиз, интеллектуал салоҳиятимиз борлигини дунёга намойён эта олдик.

ХАЛҚИМИЗНИНГ КИМЛИГИНИ, ТАРИХИМИЗНИ ҲАҚҚОНИЙ АКС ЭТТИРГАН МУҲТАШАМ МАЖМУА

Президент Шавкат Мирзиёев 17 март кунини Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, бу ерда яратилган шайролар, бой экспозициялар ва янги ташаббуслар билан танишди.

Узоқ вақтдан бери халқимиз томонидан катта қизиқиш ва интизорлик билан кутилган воқеалик — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг очилиши муҳаббат Рамазон ҳайити арафасида ташкил этилганда ҳам рамзий маъно бора. Зеро, ушбу муҳташам муассаса нафақат халқимиз, балки бутун дунё мусылмонлари учун муносиб тўхфандир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланаётган ноёб қўлёзмаларни аниқлаш ва ўрганиш учун яна халқаро илмий экспедициялар ташкил этамиз. Бунинг учун зарур маблағ ва имкониятларни топамиз. Бу ишларга маҳаллий ва хорижий олимлар, етакчи халқаро илмий марказларни жалб этамиз.

Марказ фаолиятини кенг миқёсда йўлга қўйиш мақсадида бу ерда АЙСЕКО, ИРСИКА, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Франциядаги Теуридилар жамияти, ТУРКСОЙ каби халқаро ташкилотлар билан биргаликда улар учун офис хоналари ташкил этдик. Энди улар билан ҳамкорликни кучайтириш учун барча зарур шароитларни яратиб берамиз.

Марказда муқаддас динимизнинг эзгу қадри-

ятларини асраб, диний-маърифий соҳа ривожига муносиб хисса қўшиб келаётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам ўзининг янги қароргоҳига эга бўлди.

Бу даргоҳда ислом меросини чуқур ўрганиш, диний ходимлар, имом-хатибларнинг малакасини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишларини ташкил этиш, ўйламанки, мақсадга мувофиқдир.

Биз яқин келгусида БМТ қароргоҳида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказларининг тақдирларини ҳам ўтказамиз.

Муҳтасар айтганда, ушбу Марказ маънавий-маърифий йўналишдаги фаолиятимиз учун фун-

даментал база бўлади. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси талабалари юқори курсларни шу ерда ўқийди, ўқитувчи-домлалар эса ўз билим ва малакасини оширади.

Марказ ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, беруний ва улугбеклар, фарғоний ва ибн синнолар, бухорий ва термизийлар етиштиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлиши керак.

Бу — барчамизнинг эзгу нијатимиздир.

Марказ ўзининг мана шундай тарихий миссиясини юксак савияда адо этиши учун мен илмфан ва маънавият фидойиларига — ҳурматли олим ва тадқиқотчиларга, шоир ва адиблар, диний уламолар, режиссёр ва рассомлар, журналистларга, ижодкор ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман:

Ислам цивилизацияси марказида тўпланган ҳар бир экспонат қандай бебаҳо бўлиб эканини сизлар ҳаммадан кўра яхши тушунасиз. Уларни тарғиб этиш, халқимизга, дунёга танитишда ҳам, аввало, сизларга таянамиз.

Бу тенгсиз бойликдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва кўрсатувлар: уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнмас овози бўлиб дунёга таралсин!

Янги Ўзбекистонни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат диёри сифатида оламга тараннум этсин!

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбия ва илмий гуруҳ мактабига айлансин!

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Ўз даврида Мир Алишер Навоий бобомиз Мирзо Улугбекнинг улмас мероси дунё турғунча турсин, деб тилаб билдирган эди. Бизнинг ҳам орзу-мақсадимиз шундай: Ислам цивилизацияси маркази эл-юртимизга, жаҳон ахлига ҳамisha беминнат хизмат қилсин!

Мана шундай улуг ишларнинг бунёдкори бўлган мард ва олийжаноб халқимиз доимо омон бўлсин!

Муқаддас Рамазон ойида тутаётган рўзала-римиз, қилаётган ибодатларимиз даргоҳида қабул бўлсин!

Яратган Парвардигор халқимизни, Ватанимизни ўз панохига асрасин!

Барчангизга катта раҳмат, доимо соғ-омон бўлинглар!

ТИНЧЛИК, ЭЗГУЛИК, БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ МАЙДОНИ

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуани бунёд этишга муносиб хисса қўшган лойиҳачи ва қурувчилар, муҳандислар, олим уламолар, хорижий ҳамкор ва экспертларга, жумладан, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти аъзоларига, барча фидойи инсонларга миннатдорлик билдирди. Шунингдек, маъруза йирик ва мураккаб маданий иншоотни қуришда ҳомийлик ёрдамини кўрсатган маҳаллий ва чет эллик тадбиркорлар, маданият ва спорт намоёндаларига алоҳида раҳмат айтилди.

Ислам цивилизацияси марказини барпо этишга қаришар эканмиз, мен, дунёнинг қаеридан бўлмасин, тарихимизга тегишли бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, битта экспонат бўлса ҳам топиб, юртимизга олиб келишни орзу қилган ва шу вазифани ўртага қўйган эдим. Минг шукри, бугун ана шу мақсадини аста-секин эришяпмиз. Бу ишларни, албатта, давом эттираемиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланаётган ноёб қўлёзмаларни аниқлаш ва ўрганиш учун янги халқаро илмий экспедициялар ташкил этилиши таъкидланди. Бу ишларга маҳаллий ва хорижий олимлар, етакчи халқаро илмий марказлар кенг жалб этилди.

Президентимиз марказ маънавий-маърифий йўналишдаги фаолият учун фундаментал база бўлишига алоҳида урғу берди. Бу ерда Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси талабалари юқори курсларда ўқиши, ўқитувчи-домлалар эса ўз билими ва малакасини ошириши назарда тутилган.

Марказ ўзининг тарихий миссиясини юксак савияда адо этиши илм-фан ва маънавият фидойиларига ҳам боғлиқ. Шу боис давлатимиз раҳбари олим ва тадқиқотчилар, шоир ва адиблар, диний уламолар, режиссёр ва рассомлар, журналистлар, ижодкор ёшларга мурожаат қилди:

Бу тенгсиз бойликдан илҳомланиб, сизлар яратадиган илмий тадқиқотлар, бадий китоб, кино ва театр асарлари, картина ва кўрсатувлар уч минг йиллик тарих ва маданиятнинг сўнмас овози бўлиб дунёга таралсин! Янги Ўзбекистонни тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат диёри сифатида оламга тараннум этсин! Халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун тарбия ва илмий гуруҳ мактабига айлансин! — деди Президентимиз.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази эл-юртимизга ва жаҳон ахлига ҳамisha беминнат хизмат қиладиган тинчлик, эзгулик, билим ва маърифат майдони бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ифтидорлик маросими Қуръони карим тиловати билан давом этди. Мувабрак ойда тугилаётган рўзалар ва қилинган ибодатлар қабул бўлиши, юртимиздаги тинчлик ва фаровонлик бардавомлигини тилаб, дуолар қилинди.

«Халқ сўзи».

Онлайн мулоқот

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ КЕНГАЙМОҚДА



Мулоқот давомида икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестиция ва экспорт соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштириш ҳамда юқори даражадаги ташир-йўналишларни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг Индонезия билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, таълим, туризм ҳамда маданий-гуманитар соҳа-

«Халқ сўзи».

Кеча «Ўзбекистон — Индонезия» — «Индонезия — Ўзбекистон» ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлари аъзоларининг онлайн шаклда учрашуви ўтказилди.

Тадбир

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган БМТ Бош Ассамблеяси тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ўртасида олий даражадаги учрашув ўтказилган. Унда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича ҳамкорлик дастурини қабул қилишга келишилган эди.

ОИТСга қарши курашиш дастурлари мониторинги кучайтирилади

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган дастури (UNAIDS)нинг минтақавий директори Имонн Мерфи билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Мулоқотда UNAIDSнинг жаҳон миқёсида ОИВ инфекцияси янги ҳолатларнинг олдини олиш, ОИВ-га чалинган шахслар учун даволаш, парваришlash ва қўллаб-қувватлаш хизматларини кенгайтириш, шунингдек, эпидемиянинг ижтимоий таъсирини камайтиришга қаратилган фаолияти алоҳида таъкидланди. Ушбу ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти доирасида миллий соғлиқни сақлаш тизими салҳийотини мустаҳкамлаш, ОИТСга қарши курашиш дастурларини мониторинг қилиш ва баҳолашни такомиллаштириш, тех-

ник ҳамда молиявий ресурсларни жалб этиш бўйича амалга оширилётган ишлар ургунланди.

Имонн Мерфи Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, инклюзив конунчилиқни ривожлантириш, миллий конунчилиқни халқаро мажбуриятлар билан уйғунлаштириш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя, жамоат саломатлиги ва гендер тенгликни таъминлаш соҳаларида эришилган ютуқларни юқори баҳолади.

Учрашув якунида Ўзбекистонда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича яқин фикр билдирилди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

ИИВ ихтисослаштирилган мактаб-интернатда «Замонавий таълим тизимида инновацион ривожланиш ва янги авлод малакалари» мавзуда республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Анжуман

Ушбу таълим даргоҳи «Science and Innovation» халқаро илмий журнали билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев ҳамда соҳа вакиллари, олимлар ва мутахассислар қатнашди.

Анжуманда таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этиш, инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш, таълим жараёнини рақамлаштириш, «STEAM»

ва фанлараро интеграция асосида ўқувчиларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ривожлантириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари ИИВ ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолияти, ўқув жараёни ва ўқувчилар учун ташкил этилган тўғарақ машғулотлари билан ҳам танишди.

Яқинда таълим сифатини ошириш, инновацион ва рақамли технологияларни таълим жараёнига кенг жорий қилиш юзасидан таклифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

Ёшларнинг бандлиги қандай таъминланапти?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Оригул Қозиқонова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, «Битирувчи ёшлар бандлик дастури» доирасида 51 718 нафар йигит-қиз қамраб олинган бўлиб, шулардан 37,8 мингининг бандлиги таъминланган.

Шу билан бирга, «оғир тоифа»даги 12 316 нафар ишсиз билан манзилли саёй-ҳаракатлар олиб борилиб, уларнинг катта қисми ишли қилинган. 3 356 киши доимий ишга жойлаштирилди, 4 837 киши ўзини ўзи банд этган. 1 676 кишига тадбиркорлик учун кредит ажратилган ва 1 255 киши меҳнат миграциясига юборилган.

Утган йил давомида тижорат банклари томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 7 302 та кредит ажратилган бўлиб, уларнинг ҳажми 713 млрд. сўмини ташкил этган. Ушбу маблағлар, асосан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган.

Бундан ташқари, меҳнат миграциясидан қайтган 23 мингдан зиёд ёшлар иш билан таъминланган.

«Халқ сўзи».

1 апрелдан бошлаб кўчмас мулк ва транспортлар олди-сотдисида ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда нотариус ҳамда банklar ўртасидаги электрон маълумотлар алмашинуви орқали амалга оширилади.

Дунё нигоҳи

«FORBES»: ИСЛОМНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРУВЧИ ПЛАТФОРМА

Дунёдаги энг нуфузли ва машҳур иқтисодий нашрлардан бири — Американинг «Forbes» журналда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази очилишига бағишланган мақола эълон қилинди.



Журналда таъкидланишича, геосийёсий бекарорлик ва иқтисодий муаммолар юз бераётган паллада Ўзбекистон ўзининг маданий ва стратегик таъсирини кучайтириш орқали муҳим қадам ташлади.

Марказ маданий вазирадан ташқари, радикаллашувга қарши курашиш, инклюзив ислонни тарғиб этиш, минтақавий барқарорлик ва халқаро тинчлик асосидаги меъёрларни илгари суриш учун фаол платформани янги босқичга кўтарилганини яққол намоён этди.

«Forbes»да ёзишларича, шиддатли технология ўзгаришлар ва глобал кескинликлар даврида ушбу марказ муслмон дунёсида конструктив мулоқот майдони бўлиб, Марказий Осиёнинг бағрикенг ислон моделини илгари суриш учун кенг имконият яратмоқда.

Марказнинг очилиши Ўзбекистоннинг халқаро майдонда АҚШ ва Евроосиёдаги бошқа мамлакатларнинг ишончли ҳамкори сифатидаги роли ортиб бораётганидан дарак беради.

Нашрда қайд этилишича, марказ нафақат маданий, балки стратегик вазиран ҳам бажаряпти. «Мамлакатнинг ислон цивилизацияси меросини тарғиб қилиши Ўзбекистоннинг Евроосиё марказини Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё билан боғлайдиган маданий ҳамда дипломатик кўприк сифатидаги ролини мустаҳкамлайди, кўп минтақавий алоқаларга ҳисса қўшади», дея фикр билдирилган мақолада.

«Дунё» АА.



ЭРОН ХАЛҚИГА НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси томонидан Эрон халқига наватдаги инсонпарварлик ёрдами етказилди. Ушбу кўмак икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик алоқаларининг амалдаги ифодаси бўлди.

Кўмак

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликдан хабар берилишича, мазкур инсонпарварлик ёрдами, асосан, ун, гуруч, шакар, макарон маҳсулотлари, кунгабоқар ёғи, турли консервалар, дори-дармонлар ва табибий буюмлар каби бирламчи зарурий маҳсулотлардан ташкил топган.

Туркманистондаги элчиси Али Мужтабо Рузбехани иштирок этди.

Тадбир давомида сўзга чиққан расмийлар кўрсатилган юксак эътибор ва кўмак учун Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий миннатдорлик билдириб, ушбу хайрли ташаббус мураккаб вазиятларда халқларимиз ўртасидаги ўзаро кўлаб-қувватлаш аъёнларининг амалдаги ёрқин намунаси эканини эътироф этишган.

Маълумот учун эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон минтақадagi қўшни ва қардош давлатларга қийин паллаларда мунтазам равишда инсонпарварлик кўмакларини кўрсатиб келмоқда.

«Халқ сўзи».

КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН СТРАТЕГИК ҚАДАМ

Мамлакатимизда саноатни жадал ривожлантириш, табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоқларни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Айниқса, тоғ-кон ва металлургия соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишига хизмат қилмоқда.



Муносабат

Шу йил 16 март куни Олмалик кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилиши бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилганини яққол намоён этди. Қиймати 2 млрд. 700 млн. доллар бўлган ушбу йирик лойиҳа нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги энг йирик саноат мажмуаларидан бири сифатида стратегик аҳамиятга эга. Фабриканинг йилига 60 млн. тонна маъданни қайта

ишлаш ва 900 минг тонна мис концентрати ишлаб чиқариш қувватига эгаллиги уни дунёдаги етакчи саноат объектлари қаторига олиб чиқади.

Энг муҳими, мазкур лойиҳа орқали табиий бойликларни хомашё ҳолатида эмас, балки чуқур қайта ишланган маҳсулот сифатида иқтисодиётга жалб қилиш имконияти кенгаймоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, кейинги йилларда қимматбаҳо металлургия хомашё ҳолатида экспорт қилишдан босқичма-босқич воз чилиб, уларни мамлакатимизда

қайта ишлаб юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратишга ўтиш таъминланмоқда. Масалан, бугунги кунгача йилига 100 минг тонна мисни чуқур қайта ишлаш йўлга қўйилган бўлса, яқин йилларда бу кўрсаткич бир неча баробарга ошиши кутуляпти.

Мазкур мегалойиҳада Италия, Буюк Британия, Германия, АҚШ каби давлатларнинг етакчи компаниялари иштирок этгани, замонавий технологиялар ва рақамли бошқарув тизимлари жорий қилингани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Барча ишлаб чиқариш жараёнларининг рақамлаштирилиши ва сунлий интеллект асосида бошқарилиши натижасида энергия сарфи 10 фоизга, таннарх эса 15 фоизга камайиши кутилмоқда. Бу — саноатни замонавий босқичга олиб чиқишда рақамли трансформация ва инновацияларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканидан далolat.

Айниқса, лойиҳа доирасида 6 мингдан зиёд юқори даромадли

иш ўринлари яратилиши режалаштирилгани аҳоли бандлигини таъминлашда алоҳида роль ўйнайди. Бундан ташқари, соҳада талаб қилинадиган юқори малакали мухтаassisларга эҳтиёжни қондириш мақсадида Олмалик техника институти, «Москва пўлат ва қоришмалар институти» университети филиали, Геология фанлари университети каби таълим муассасаларининг ташкил этилгани, дуал таълим тизими ва халқаро ҳамкорлик дастурларининг йўлга қўйилгани ижобий натижалар бермоқда.

Мамлакатимизда инвестицияларни жалб қилиш кўлами кенгайиб бораётган бир пайтда, уларнинг ҳақиқий иқтисодий самарадорлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, эндиликда инвестиция лойиҳаларини фақат ишга тушириш эмас, балки уларнинг тўлиқ қувватда ишлаши, экспортга йўналтирилиши ва юқори қўшилган қиймат яратиши бўйича қатъий назорат ўрнатилиши энг тўғри ёндашувдир.

«Ягона миллий лойиҳа бошқаруви» платформасининг жорий этилиши эса ҳар бир лойиҳани уч йил давомида мониторингдан ўтказишга орқали самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Олмаликда ишга туширилган 3-мис бойитиш фабрикаси йирик саноат объекти бўлибгина қолмай, балки Янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг амалий натижаси, саноат тараққиётининг янги босқичи ва келажакка қаратилган стратегик қадамдир. Бу каби мегалойиҳалар орқали мамлакатимизда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспортни диверсификация қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга мустаҳкам замин яратилмоқда.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзоси, Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ КАФОЛАТИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш самарадорлигини кенгайтириш, суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш, аҳолининг молиявий хатарлар ҳақида хабардорлигини ошириш, саноат хавфсизлиги тизимини мустаҳкамлаш ҳамда креатив иқтисодиётни ривожлантиришга доир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Жамоат тартибини таъминлаш — устувор масала

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларнинг фикрлари асосида унинг айрим нормалари аниқлаштирилди ҳамда тахририй жиҳатдан такомиллаштирилди.

Қонун лойиҳаси билан телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқаролар оқоийшталлигини бузувчи хатти-ҳаракатларни содир этиш, ҳарбий ҳаракатларда иштироки тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш, шахснинг ўзи содир этган ҳуқуқбузарлигини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида тарқатиш, шунингдек, ижро ҳаракатлари давомида хатланган мулк билан боғлиқ қонунга хилоф ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлиқни белгилаш назарда тутилмоқда.

Бу орқали ахборот маконида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар оқоийшталлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни тарғиб қилиш ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича жавобгарликда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш кўзда тутилмоқда.

Сайдулло АЗИМОВ, Халқаро ишлар, муҳофаза ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Мазкур қонун лойиҳаси долзарб аҳамиятга эга бўлиб, жамиятда ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ахборот маконида одоби-ахлоқ меъёрларига риоя этилишини кучайтириш, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш, янги турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика механизмларини самарали ишлатиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий принциплари

Депутатлар «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Унда судлар мустақиллигини таъминлашга оид муҳим масалалар — суд ҳоки-

мияти органлари фаолиятини молиялаштиришнинг умумий қоидалари, асосий принциплари такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, молиялаштиришнинг манбаси, асоси ва ўзига хос жиҳатлари аниқлаштирилляпти.

Хусусан, Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг суд ҳокимияти органларини молиялаштиришга оид қисмини суд ҳокимияти органлари билан келишиш тартиби ҳамда ушбу лойиҳанинг Қонунчилик палатасидаги муҳокамаларида Олий суд, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши вакилларининг иштироки назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадлари прогнозининг ижросидан келиб чиқиб суд ҳокимияти органларини молиялаштириш харажатларини камайтириш мумкин эмаслиги, суд ҳокимияти органлари фаолияти учун ажратилган маблағларни тақсимлаш ва тасарруф этиш тартиблари белги-ланяпти.

Улугбек КОБУЛОВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

— Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жуда муҳим. Мазкур ҳужжат суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очикликни таъминлашга, оид судловга эришиш даражасини оширишга йўл очади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Корпоратив муносабатларнинг қоний асослари

Мажлисида корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, юридик шахсларнинг ўз аҳамиятини йўқотган айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклларини тугатиш ва корпоратив бошқарувининг замонавий услубларини жорий этиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Микроқарзларни реклама қилишда ва маркетинг контентида истеъмолчиларнинг асосий эътибори бундай кредит маҳсулотларини олиш келгусида юқори молиявий мажбурият келтириб чиқариши мумкинлигига эмас, балки уни тез ва осон олиш имкониятига қаратилляпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан «Реклама тўғрисида»ги Қонунга аҳолига таклиф этиладиган кредитлар, жумладан, микроқарзлар рекламасида қарз мажбуриятларини бажармаслик молиявий хатарларини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида мажбурий огоҳлантирувчи матн жойлаштирилиши шартлигини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда. Бунда огоҳлантириш

реклама майдони ёки вақтининг камида 10 фоизини ташкил қилиши лозимлиги белгиланяпти.

Шухрат ШАРАФУТДИНОВ, Инновациялар ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у молиявий хизматлар рекламасини янада тартибга солиш, аҳолининг кредит билан боғлиқ хатарлар ҳақида хабардорлигини ошириш, масъулиятли қарз олиш маданиятини шакллантиришни назарда туттади.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Му-тасаддилар барча саволларга тушунтиришлар бериб ўтди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Саноат хавфсизлигига масъулиятли ёндашув

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — хавфли ишлаб чиқариш объектлари ва потенциал хавфли объектларнинг саноат хавфсизлиги йўналишидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Айтилганидек, кейинги йилларда саноат хавфсизлиги бўйича муносабатларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Янги саноат тармоқларининг ривожланиши, юқори хавфли технологияларнинг жорий этилиши, шунингдек, авариялар ва бахтсиз ҳодисалар тақлиди мазкур соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу боис 2006 йилда имзоланган амалдаги қонун тўлиқ қайта ишлаб чиқилиб, уни янгиланган тарзда қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги бошқарув тизимининг аудитини жорий этиш таклифи илгари суриялди. Мазкур аудит орқали корхоналарда саноат хавфсизлиги бошқарув тизимининг белгиланган талабларга мувофиқлиги баҳолашиб, ноҳус ҳодисалар ва аварияларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлиги таҳлил қилинади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсирчан механизмлар ишлаб чиқилади.

Лойиҳада хавфли ишлаб чиқариш объектлари ёки потенциал хавфли объектларда саноат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш устидан жамоатчилик назорати институти мустаҳкамланмоқда. Бундан ташқари, суғуртага оид нормаларни янада такомиллаштириш ҳам назарда тутиляпти. Хусусан, хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта суммаларининг

энг кам микдорлари белгиланиши таклиф этилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар кўтарилди.

Дилмурод АРТИҚОВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш билан бирга тадбиркорлар манфаатлари ҳам етарли даражада инобатга олинганми?

Масалан, хавфли ишлаб чиқариш объектида авария ёки бахтсиз ҳодиса содир бўлганда унинг техник сабабларини текшириш билан боғлиқ барча харажатларни тўлиқ тадбиркор зиммасига юклаш қанчал адолатли? Шунингдек, аттракционларни давлат реестрида рўйхатдан ўтказмаслик ёки масъул ходимларни тайёрларли ва аттестациядан ўтказмаслик учун юридик шахсларга базавий ҳисоблаш микдорининг 200 баравари даражасида жорима қўлланиши мутаносиблик принципига қай даражада мос келади?

Қонун ташаббускорлари бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб, кўтарилган масалаларга қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида алоҳида эътибор қаратилишини маълум қилди. Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси саноат хавфсизлигига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, хавфли ишлаб чиқариш объектлари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи субъектларнинг масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Креатив иқтисодиёт субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари

Мажлисида креатив иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

У креатив иқтисодиёт соҳасини тизимли ривожлантириш, ижодкорлар ва креатив тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада инновация фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган. Унда креатив иқтисодиёт субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, улар учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маданият ва санъатни ривожлантириш жағрамаси ва креатив иқтисодиёт парки резидентлари томонидан амалга оширилмаган бевосита креатив иқтисодиёт соҳалари билан боғлиқ бўлган лойиҳалар сифатини яхшилаш ҳамда чет эллик контрагентларни жалб қилиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзлар бериш таклиф этиляпти. Бундан ташқари, лойиҳада соҳа жозибадорлигини ва ундаги иштирокчилар сонини ошириш учун янги очилган креатив иқтисодиёт субъектларини резидентликка қабул қилишда энгилликларни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Айтилганидек, қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз аҳолиси ва хорийдан ташриф буорувчи сайёҳлар учун ўтказилаётган маданий тадбирлар юқори савияда ташкил этилишига хизмат қилади.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидаги «Кончилар» МФЙ ҳудудининг 200 гектар ер майдонида «Муборак инновацион саноат зонаси» махсус иқтисодий зонаси ташкил этилади.

Сурур

БАРҲАЁТ БОБОЛАР АЪМОЛИДИР БУ...

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига бағишлов

Мозийдан йўл олиб келган бу қарвон, Нафасин ростлай деб тин олган гўё. Бағрида қувонч беҳисоб армон, Олами ичида сирлар бир дунё.

Бу кўхна очунни кезди оралаб, Даргоҳи кенг экан — беҳудуд, чексиз. Эрта-кеч борлиққа эзгулик тилаб, Умрини баҳи этиб яшади шаксиз.

Коинот оламин нигоҳ илғамас, Ибтидо қайдаю қайда иштиҳо. Ўйгонган юраклар талпиниб қўймас, Хайлга эргашиб кетасан ногоҳ...

Варақлаб қайтадан келмиш китобин, Кўрасан кечганин не сулоалар. Тинглаб аждодларнинг сўмас китобин, Дилга соҳ бахт тўлар, соҳо нолалар.

Асрлар қариди, йиллар қариди, Босқину урушга берилмасдан дош. Ортиқча қалбларга меҳр таратди, Нур сона бошдан эзу бир кўши.

Тангридек, онадек, юракдек танҳо, Фақат бу кенгликда Ватан биттадир, Шу замин қўйида бузрук, муалло, Мағрур қад кўтарган тарих кутади.

Бу сарой юртимнинг шонидек азиз, Буюк боболарнинг улуг баҳоси. Ўзбекининг тиклаган шухрати тенгсиз, Янги Ўзбекистон нашоу намоси.

Бунда эвзозлар илму маърифат, Улуғлар яратган бебаҳо мерос. Бунда қадр топар тафаккур, ҳикмат, Меҳнату муҳаббат, иймону илос.

Бу тупроқ шаҳидлар қонидек тоза, Ҳазрати Уммонинг муҳафидек пок. Эзу уй, каломдан олиб андоза, Хайрли амалдан тўралган идрок.

Бунда деворлар ҳам мозийдан нишон, Широк, Тумарисдан сўзлар афсона. Қаршимо буй чўзар Хоразм, Кушон, Ўйгонар Сўғд, қадим Шошу Фарғона.

Муъжиза барханлар оша бўйлайди, Инак йўли бўйлаб йўртар қарвонлар. Тошлар тилга кириб ниҳон сўйлайди Тунуқуж бободан туркий достоналар.

Қалбларда тошади шлоҳий туйғу, Ногоҳ Каваб томон бурасан юзни. Бағринга боссан Бухорий мангу Саҳфалар қатига беркитган сўзни.

Бунда даво излар минг дарёда Сино, Беруний очмоқда фалак сирларин. Нури йўл кўрсатар Нақшбанд, Кубро, Паҳлавон Маҳмуддек қонил пирларим.

Фарғоний эмасми сарсон Колумба Тутқазган Янги Ер харитасини. Яссавий эрди-ку туркий элимга Кўрсатган эзгулик тариқатини.

Асрлар сурони чалғитар оғир, Қилчлар жаранги чекинара абас. Буюк Амир Темур қаршилар мағрур, Кўзларда чақнайди ҳайрату ҳавас.

Бунда аждодларим номи бардавом, Улуғбек фалакка кўзин тиккан шавн. Туркий томирларда жуш урар илҳом Навоий тутандаи тўрт буюк девон.

Олис ҳинд элида оҳ урар Бобур, Дилида юртининг уммас армони. Муқаддас заминдан ўз ўзин топур, Ўзбек дийрғага қайтган Шайбоний.

О, бу эл, бу дийр шунчалар маънос, Неларни кўрмади бу қадим тупроқ?! Маширабнинг бўғзини ёрган ўтли бўз, Нодира бағрини ўртаган фироқ.

Не дамлар кечмади қутлуг заминдан, Бу улус кўрди не шоху султонни. Бироқ ўзбек эли кўрамини чиндан Бугундек фаровон, даври давронни?!

Қачондир талangan кўнгишлар мулки, Дунёга сочилиган жавҳарим, дуриш, Улкамга қайтади бугун, шукрки, Бўлиб ифтисхорим, сўнмас гўрурим.

Энди манзилларни ортда қолдириб, Тарих ва тамаддун қононасида. Ҳайрат-ла боқсан ахлоқ тек туриб, Янги Ренессанснинг остонасида.

Бу даври давроннинг тоза нафаси, Халқ билан диллашмоқ, юрт билан пайваст. Бунда ёш авлоднинг хур, эркин саси, Юсакс марраларни эгаллар чадаст.

Бунда ижод қайнар, юксалар мудом Обод маҳаллалар, кўркма биналар. Бу муҳташам Ватан сари шодумон, Кўчогини очар янги маъволар.

Фараҳбахши масканда тирилар тарих, Бугун буй кўрсатар, яшнар иштиқоб. Ислон тамаддун маркази янглиг Кўзларда миннатдор қувонч, бахт, иқбол.

Муазам мозийнинг, буюк ишларнинг, Барҳаёт боболар амвалиди бу. Боқий қиёфаси азиз кишваринга, Янги Ўзбекистон тимсолидир бу.

Табият қонини ўзгармас албат, Азал-абад Шарқдан нур таралгуси Авлодларга ибрат бўлгуси абад, Одил Йўлбошининг бу ташаббуси.

Фозил боболарим кўран келмишига, Англа эга чиқмоқ вақти келганин. Заррача ҳам ҳаққинг йўқ унуттиша, Бу элини нурафшон бахти келганин.

Ўйғот, кўнгишларга ташла қатим нур, Ўйгонсин мудраган, музаган қалблар. Ўйгонсин тарихга моноид тафаккур, Ўйгонсин элатлар, жамикси халқлар!

Ватаним, мудом шон-шарафла яша, Ёғду бўл, ёниб тур қалб нафасидан. То ўтиб кетмасин бепарво башар Утмиш ва келажак чорраҳасидан!

Ўтқир РАҲМАТ.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Тобора кескин тус олаётган геосийсий тангликлар, глобал ишлаб чиқариш ва транспорт-логистика таъминоти занжиридаги узиллишлар, савдо тизими ва молия бозоридидаги беқарорликлар жаҳон иқтисодиётини қайта-қайта синовдан ўтказмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларида келтирилишича, жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2025 йилда ўтган йилдагига нисбатан қарийб 3 фоизга пасайган ва 2026 йилда ҳам ўсиш кузатилаётган прогност қилинмоқда. Бу эса жорий йилда ҳам иқтисодий барқарорликка эришиш осон кечмаслиги, шу боис иқтисодиётда диверсификацияни, шунингдек, инвестициявий жозибдорликни янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этишини англатади.

Таҳлил

Ана шундай шароитда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси асосида амалга оширилаётган тизимли ва кенг қамровли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бериб, макроиқтисодий барқарорлик таъминламоқда. Сабаби, маъмур хужжат асосида ишлаб чиқилаётган давлат дастурлари ва уларнинг амалга оширилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳалари ривожига янги саҳифалар очаяпти, десак, муболага бўлмайди. Стратегияни "Атроф-муҳитни асраш ва яшил" иқтисодиёт йили"да амалга оширишга оид давлат дастури асосида 2025 йилда олиб борилган улкан ишлар ҳамда уларнинг натижалари бунга яққол далил бўла олади. Яъни 2025 йил якунига қўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажми 2024 йилдагига нисбатан 7,7 фоиз ўсиб, 147,1 млрд. АҚШ долларига етди. Жумладан, саноатда 6,8 фоиз, қурилишда — 14,0, хизматлар соҳасида — 8,5 ва қишлоқ хўжалигида 4,4 фоиз ўсиш кузатилиди. Бошқача айтганда, юртимизда яратилган янги ички маҳсулот ҳажми 1 849,7 трлн. сўмга етиб, аввалги йилдагига нисбатан 314,2 трлн. сўмга кўпайди.

Тараққийётнинг халқаро рейтинглардаги акси

Халқаро рейтинг ва индекслар бугун тараққийёт даражасини белгилайдиган муҳим мезонга айланган. Зотан, бу кўрсаткичлар ўзида ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳалардаги ислохотлари ва бошқарув самарадорлигини реал ҳолатни намоён этади. Масалага ана шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, Янги Ўзбекистонда кўлга киритилаётган муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланаётгани қувонарлидир. Гап шундаки, ўтган йил якунилари халқаро рейтинг ва индексларда аниқ натижалар билан намоён бўлди. Жумладан, "The Heritage Foundation" томонидан тузилладиган "Иқтисодий эркинлик индекси"да Ўзбекистон 58 балл тўплаб, 184 давлат орасида 100-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига қиёсланганда 2,1 балл ўсиб, 3 поғона кўтарилгани ойдинлашади. Натижада мамлакатимиз МДҲда 5-ўрин, Марказий Осиёда 2-ўринга чиқди. Индекснинг 12 индикаторидан 8 тасида ижобий ўсиш кузатилигани юртимизда иқтисодий ли-

Инвесторлар ишончи мустаҳкамланмоқда

Халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш мамлакат нуфузини мустаҳкамлаш, инвесторлар ишончини ошириш, пировардида барқарор тараққийоти таъминлашга хизмат қилади.

Глобал бозорларда халқаро кўчмайиб бораётган ҳозирги шароитда Осие бозорлари, айниқса, Ўзбекистон истиқболли ва инвестициявий жозибдор маконга айланмоқда. Шунинг учун кўпалаб хорижий сармоядорлар янги "Усиш нуктаси" дея мамлакатимиз томон талпинмоқда. Шубуҳасиз, бу Президентимиз ташаббус билан амалга оширилаётган оқилона инвестиция сиёсатининг самарасидир.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ўтган йили чет эл инвестицияларини жалб этишда юқори натижага эришилди. Узлаштирилган хорижий инвестициялар умумий ҳажми 43,1 млрд. АҚШ долларига етди. Ўсиш суръати 2024 йилдагига нисбатан 24 фоизга ошди. Инвестицияларнинг салмоқли қисми — 38,5 млрд. АҚШ доллари тўғрисида бўлиб, қолган қисми инвестициялар ва кредитлар ҳиссасига тўғри келди. Бундан ташқари, халқаро молия институтларидан 4,6 млрд. АҚШ доллари микро-рида молиявий ресурслар жалб қилинди. Таққослаш учун: 2024 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 36 млрд. АҚШ долларини ташкил этганди.

2025 йилда чет эл инвестициялари ҳисобига 301 лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг асосий қисми қурилиш материаллари (ўсиш 124 фоиз), фармацевтика (ўсиш 114 фоиз), чарм-популяр (ўсиш 106 фоиз), қишлоқ хўжалиги (ўсиш 1,7 баробар) каби иқтисодиётнинг муҳим соҳалари улушига тўғри келди. Экспорт илк бор 33,8 млрд. АҚШ долларига етиб, олтин валюта захираларимиз 60 млрд. доллاردан ошди. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда инвестициялар оқимини тўғри йўналтириш, сармоядорларни нафақат марказларга, балки олис ҳудудларга ҳам жалб этиш чора-тадбирлари қурилайотган эътиборга молик. Сабаби, бундай саъй-ҳаракатлар туфайли ўтган йилнинг ўзида 80 га яқин туманларга 100 млн. АҚШ долларидан кўп сармоя киритилди. Айтилган республикада амалга оширилган салохияти юқори бўлган истиқболли 500 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари маълумотлари шакллантирилди. Шунингдек, 632 та ийрик лойиҳа доирасида грантлар жалб этилди.

Сармоялар оқими кўпайишида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аънавий равишда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция фо-

руми муҳим иқтисодий платформага айланиб улгурди. Узоққа бормаиллик, биргина 2025 йилда ўтказилган навбатдаги инвестиция форумида жаҳоннинг қарийб 100 та мамлакатидан жами 3 мингдан ортиқ хорижий иштирокчилар қатнашди. Форум якунига қўра, умумий қиймати 30,2 млрд. АҚШ долларига тенг 144 та хужжат имзоланди. Унинг доирасида ташкил этилган халқаро саноат кўрғазмасида қатнашган 85 та хорижий ва маҳаллий компания ўртасидаги музокаралар давомида эса умумий қиймати 1,4 млрд. долларлик 40 та инвестиция ва савдо келишувига эришилгани фикримиз тасдиқидир.

2025 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими барқарор сақланиб қолгани энергетика, кимё саноати,

рида ҳам меҳнат бозорига кириб келаятган йигит-қизларга тил ва замонавий касб-хунарлар ўргатиш, инновацион гоё, лойиҳа ҳамда стартапларига кўмак бериш, уларни ишла ва даромадди қилиш мақсад-муддоси муҳимасан. Бунинг самараси ўлароқ, бугун Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби нуфузли олийгоҳларда тахсил олаётган талаба ёшларимиз 500 нафардан, "ТОП — 100" талиқдаги олийгоҳларда ўқийётган йигит-қизларимиз 3,5 минг нафардан ошди. Ёшларимиз яратган 63 та стартап лойиҳа АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амирликлари бозорларига кириб боргани таҳсинга тўлиқ. Яна бир муҳим кўрсаткич шуки, юртимиздаги бизнес вақалларининг 35 фоизини айнан ёш тадбиркорлар ташкил этишмоқда.

Бугун халқаро ҳамжамият Ўзбекистонга истиқболли интеллектуал меҳнат бозори сифатида қарамоқда. Негаки, меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёш кириб келяпти. Аҳолишунослар ўрганишларига қараганда, ушбу кўрсаткич 2030 йилга бориб 1 миллионга етиши мумкин. Бу жуда катта имкониятдир. Фақат ундан оқилона фойдаланиш учун ёшларнинг ўз салохияти ва қизиқишига мос иш топишига шароит яратиш зарур.

Ёшлар ўртасидаги сўровнома натижасига қўра, уларнинг учдан бири тадбиркор бўлиш истагини билдирган. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили навқирон авлод бандлигини таъминлаш учун банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 млн. доллар йўналтирилди. "Ёшлар бизнеси" ва "Келажакка қадам" дастурлари ҳисобидан 15 минг нафар йигит-қиз ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйиб, 50 минг кишининг бандлигини таъминлади.

Юртимизда мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмапти. Бу ҳақда гап кетганда, ўтган йили "ёшлар дафтари" доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож 23 385 нафар талабага таълимни давом эттириши учун 70,2 млрд. сўм шартнома пули тўлаб берилгани, банд бўлмаган 66 212 нафар ёш замонавий касблар ва ҳайдовчиликка ўқитилиб, 12,2 млрд. сўм ўқув курси харажатлари қоплангани, уюшмаган ёшларнинг 2 057 нафари сафарбарлик қақруви резервга жалб қилиниб, 13,9 млрд. сўм ҳарбий хизмат бадали тўлиқ тўланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, ишсиз ва бизнесини бошлаш истагида бўлган 384,4 минг ёшни қўллаб-қувватлашга қаратилган

қўлга киритилаётган бу муваффақиятлар замирида эса пухта ўйланган, саноатни диверсификация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, инвестициявий жозибдорликни ошириш, хусусий сектор ва бизнесга кўмак бериш, шунингдек, ёшларни янги ва замонавий касбларга йўналтириш каби стратегик вазифалар турибди. Бу эса бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини тақдим этиб, ҳозирги мураккаб шароитга қарамасдан иқтисодий ривожланиш, ижтимоий фаровонлик таъминланмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтсак, иқтисодиётимиз янгидан шаклланди, бозор муносабатларини, ижтимоий ҳимояни кенгайтиридик, қонун устуворлигини мустаҳкамладик. Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда.

"Ёшлар бандлиги дастури" ишлаб чиқилиб, 414,6 минг нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминлангани қувонарлидир.

Инсон қадри учун

Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йилида нафақат ёшларни, балки хотин-қизларни бизнесга кенг жалб қилиш ва тадбиркор аёлларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам яхлит тизим яратилди. Яъни "Бизнесга илк қадам", "Бизнесни йўлга қўйиш", "Бизнесни кенгайтириш", "Бизнесни юксалтириш" йўналишлари жорий этилди. Пировардида биргина "Ҳамроҳ" тадбиркор аёллари қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 2025 йил 1 майдан бошлаб ижобий кредит тартибига эга хотин-қизларга 100 млн. сўмга қаровис кредит ажратили йўлга қўйилди. Тижорат банклари томонидан 203 минг нафар тадбиркор аёлга ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш учун 15,7 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Шундан 105 минг нафарига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 1,7 трлн. сўм кредит маблағлари берилди.

Тадбиркор хотин-қизларга кўрсатилаётган бундай гамхўрлик Жаҳон банкининг "Аёллар, бизнес ва қонун индекси"да ҳам ўз аксини топди. Гап шундаки, Ўзбекистон бу борада 82,5 балл билан 48 поғонага кўтарилиб, 190 давлат ичида 91-ўринни эгаллади. Мазкур натижа юртимизни гендер тенглик бўйича ислохотларни жадал амалга оширган 5 давлат қаторига киритди ва Марказий Осиёда етакчиликти таъминлади. Бу каби пухта ўйланган ва тизимли чора-тадбирлар халқимизнинг ишбилармонлик руҳини уйғотиб, иқтисодий барқарорлик таъминлашига катта туртки бўлаётди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг иқтисодий салохияти ортиб бораётгани туфайли аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳаёт даражасини янада яхшилаш имконияти тобора кенгаймоқда. Бу ҳақда гап кетганда, кредит, субсидия, компенсация каби юздан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилганини эътироф этиш жоиз. Бунинг натижасида 2025 йилда 5 млн. аҳоли даромади бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушишига эришилди. Қарийб 1,5 млн. эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан қийиб, илк бор 1 435 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айланди.

Бундан ташқари, аҳолига 8 млн. 100 минг квадрат метрли, 135 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар топширилди, шунингдек, бизнес субъектлари томонидан 24 млн. квадрат метр нотуражой объектлари барпо этилди. 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик суви кириб борди, яна 2 млн. 300 мингга яқин аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Еки 867 та "ғир" маҳалладаги 470 мингга хонадонга томорқаларни сўғориш учун илк бор сув етиб борди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Қўлга киритилаётган бу муваффақиятлар замирида эса пухта ўйланган, саноатни диверсификация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, инвестициявий жозибдорликни ошириш, хусусий сектор ва бизнесга кўмак бериш, шунингдек, ёшларни янги ва замонавий касбларга йўналтириш каби стратегик вазифалар турибди. Бу эса бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини тақдим этиб, ҳозирги мураккаб шароитга қарамасдан иқтисодий ривожланиш, ижтимоий фаровонлик таъминланмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтсак, иқтисодиётимиз янгидан шаклланди, бозор муносабатларини, ижтимоий ҳимояни кенгайтиридик, қонун устуворлигини мустаҳкамладик. Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда.

Ўтқин ЭШНАЗАРОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Шу кунларда пойтахтимизда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ўтказиладиган аънавий VIII Тошкент халқаро марафонига ҳозирлик қўриломоқда.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўтқир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 879 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақидаги маълумотлари оқиб олган ОА-нодини телефоннинг орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87. Манзил: МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Маамиров. Мустаҳкам — С. Исмолов. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.55 Топширилди — 03.45 1 2 3 4 5 6